



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 1 июль, № 138 (8200)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



АЗМУ ШИЖОАТЛИ ЁШЛАРИМИЗ — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРЛАРИДИР

ХАЛҚИМИЗНИНГ ОЛТИН ФОНДИ

Пойтахтимиздаги «Янги Ўзбекистон» боғида 30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.



...Сўлим ва хушхаво боғ байрамаона безатилган. Давлатимиз байроғини хил-пиратган йигит-қизлар кўзларида азму шижоат, юзларида табассум, қувонч ва шодумонлик барқ уради.

Президент Шавкат Мирзиёев 30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан «Янги Ўзбекистон» боғида бўлиб ўтган байрам тадбирига ташриф буюрди.

Боғда буюк аждодларимиз Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Ал-Хоразмий, Алишер Навоий, Захриддин Муҳаммад Бобур, Жалолиддин Мангуберди номидаги павильонлар ташкил этилган. Уларда улуг алломаларга муносиб бўлишга интилаётган ёшларнинг илм-фан, ижод, спорт ва санъат соҳаларида эришган ютуқлари ифодаланган.

Байрам майдонларида мамлакатимизда ёшларга берилётган эътибор, уларнинг замон андозаларига мос билим олиши, касб-хунар ўрганиши, ўз иқтидорини, қобилиятини намойиш этиши, жамиятда ўрнини топиши учун яратилётган имкониятлар ўз аксини топган.

Президентимиз ушбу кўргазмалар бўйлаб юриб, уларни кўздан кечирди. Ёшлар билан суҳбатлашди. Йигит-қизлар ўз маҳоратини, ихтироларини, бадиий чиқишларини намойиш қилди.

Ҳаммамиз кўриб, гувоҳи бўлялмиз: бугун давр ўзгармоқда, шунга муносиб равишда ҳаётга, ишга муносабат ҳам янги-ланмоқда. Айниқса, ёшларнинг тафаккур тарзи, фикрлаши, ҳаётга қарашини бугун бутунлай бошқача.

Давлатимиз раҳбари билан мулоқотда Президент ва ижод мактаблари ўқувчилари, Янги Ўзбекистон университети талабалари, ёш олим ва ижодкорлар, дастурчилар, спортчилар ва ёш тадбиркорлар ўзлари эришган ютуқлар, ҳаётдаги ўзгаришлар, турли соҳаларни янада ривожлантириш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини, таклифларини дадил билдирди. Президентимиз уларни қўллаб-қувватлади.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Қадрли ёшлар, азиз фарзандларим!

Аввало, барча Янги Ўзбекистон ёшларини бугунги кутлуғ байрам — Ёшлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Албатта, сизлар билан учрашиш, кўнглингиздаги эзгу орзу ва режаларингиз билан ўртоқлашиш, таклиф ва ташаббусларингиз ҳақида эшитиш менга доимо қувонч ва ғурур бағишлайди.

Сизларнинг шижоат ва интилишингизни кўриб, ёниб турган кўзларингизга боқиб, ўзимга битмас-туганмас куч оламан.

Ҳозиргина Президент ва ижод мактаблари ўқувчилари, Янги Ўзбекистон университети талабалари, ёш олим ва ижодкорлар, ИТ дастурчилар, спортчи ва тадбиркорлар билан мулоқот қилдим. Бугунги ёшларимизнинг салохияти, дунёқарши, билдирган таклиф ва ташаббуслари, мустақил фикрлаши, келажақ ва Ватан ҳақида, ўзининг жамиятдаги ўрни ва масъулияти ҳақидаги қарашлари барча ота-оналар, устоз-мураббийлар қаторида мени ҳам чексиз қувонтиради.

Азиз фарзандларим!

Дунёдаги мураккаб вазиятни ўзингиз кўриб турибсиз. Хар куни янги хавф-хатарлар ва ташвишларга дуч келялмиш. Бундай вазиятларда халқимизнинг иродаси ва матонатига таяниб, Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига жавоб берадиган ягона тўғри йўлни топиш учун биргаликда интилимда.

Меҳнатқаш ва бағрикенг, олижаноб халқимиз, сиздек билимли, фол ва шижоатли ўғил-қизларим бор экан, биз ҳар қандай қийинчиликларни албатта енгиб ўтамиз.

Ҳурматли ёшлар!

Хабарингиз бор, биз мамлакатимизда ёшлар билан ишлаш бўйича мураккаб янги тизим яратдик. Маҳаллаларда 9,5 минг ёшлар етакчилари ўз фаолиятини бошлади.

Ҳозиргина қадар «Ёшлар дафтари»га киритилган 700 мингдан ортиқ йигит-қизларнинг муаммоларини ҳал этишга 650 миллиард сўм йўналтирилди.

Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлаш устувор йўналишга

айланди. Сўнгги икки йилда 174 минг нафар ёшнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 4 триллион 400 миллиард сўм имтиёзли кредитлар йўналтирилди.

Дехқончилик билан шуғулланиш истагида бўлган 560 минг тенгдошингизга жорий йилда 155 минг гектар ер майдони ажратилиб, 800 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Шунингдек, ёшларни ишга олган тадбиркорларга ижтимоий солиқ суммасини қайтариш тартиби жорий этилди ва бу имкониятдан 715 минг нафар ёшлар ишлаётган 7,5 минг корхона фойдаланди.

Албатта, таълим сифатини ошириш бўйича ҳам катта-катта қадамлар қўйилмоқда. Бу борда Янги Ўзбекистоннинг янги мактаблари — Президент, ижод ва ихтисослашган мактаблар қабул қилинди, уларда таҳсил олаётган ўқувчилар юқори натижаларга эришмоқда.

Ўтган ўқув йилида биргина Президент мактабларини битирган 424 нафар ўғил-қизларнинг барчаси олий таълим муассасаларига қабул қилинди. Уларнинг 102 нафари ёки 24 фоизи хориждаги етакчи олий таълим муассасаларида ўқиётгани таҳсинга сазовордир.

Сўнгги икки йилда 400 нафар ёшларимиз «Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали чет эллардаги энг нуфузли олийгоҳларда ўқишга юборилди. Мисол учун тошкентлик Ламия Худоевора — Оксфорд университетига, бухоролик Расулбек Баҳодиров — Лондон университетига, самарқандлик Нилуфархон Рўзиева — Чикаго университетига ўқишга қабул қилинди. Бундай йигит-қизлар ҳар бир вилоятда қўллаб-топилади.

Иқтидорли ёшларимиз кейинги бир йил ичида халқаро фан олимпиадаларида 255 та медални қўлга киритди.

Шу билан бирга, жорий йилда 382 нафар спортчи ёшларимиз нуфузли халқаро мусобақаларда 419 та совринли ўринларни эгаллади. Жумладан, Нодирбек Абдусатторов ва Умида Омонова — тезкор шахмат бўйича; Зухриддин Қодиров — қиличбозлик бўйича жаҳон чемпиони бўлгани;

23 ёшгача футболчиларимиз Осиё чемпионатининг кумуш медалини қўлга киритгани, шубҳасиз, бутун халқимизга ғурур бағишлади.

Мен ана шундай илмли, иродали ва қобилиятли фарзандларимиз борлигидан фахрланаман. Уларнинг ота-оналари, устоз ва мураббийларига алоҳида раҳматлар айтаман.

Бу ўғил-қизларимиз халқимизнинг олтин фонди, Учинчи Ренессанс бунёдкорлари, десам, ҳеч муболага бўлмайди. Янги Ўзбекистоннинг келажаги ҳисобланган бундай фидойи, билимли, зукко ва ватанпарвар ўғил-қизларимиз барчага намуна бўлиши керак.

Азиз фарзандларим!

Хар сафар сизлар билан учрашувга тайёргарлик кўраётганимда мени бир савол чуқур ўйлантиради. Эртанги кунимиз эгалари бўлган ёшларимизнинг янада баркамол бўлишлари учун яна қандай шарт-шароит ва имкониятларни яратиш беришимиз лозим?

Бугунги форумга ҳам Ўзбекистон ёшларини қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор янги чора-тадбирларни қабул қилиш бўйича таклифлар билан келдим.

Энг аввало, ёшларимизнинг замонавий касб ва билимларни эгаллаш имкониятларини кенгайтирашимиз.

Хабарингиз бор, 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ўғил-қизларимизнинг масалаларини ҳал этиш мақсадида жорий қилинган «Ёшлар дафтари» тизими амалда ижобий натижалар бермоқда. Лекин, шунинг ҳам унутмаслик лозим, ёшларнинг дунёқарши, уларнинг муайян бир касбга бўлган қизиқиши 14 ёшдан, яъни мактаб давридан оқ шаклланади.

Шу боис бундан буён 14 — 17 ёш оралиғидаги 3 миллион нафарга яқин ўғил-қизларимизга ҳам «Ёшлар дафтари»да кўзда тутилган имтиёз ва енгилликлардан фойдаланиш имконияти яратилади. Хусусан, унда назарда тутилган имтиёзлар амалдаги 11 тадан 25 тага кўпайтирилади. Жумладан, ушбу дафтарга киритилган фарзандларимизга замонавий касблар, ахборот техноло-

гиялари ва хорижий тилларни ўрганиши учун ҳар ойда 1 миллион 200 минг сўмдан субсидия берилади.

Шунингдек, ёшларга илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги тўғарақлар учун 6 ой давомида 300 минг сўмдан пул тўланади. Уларга ушбу йўналишлар бўйича маҳаллий олимпиадаларда қатнашиш харажатлари учун — 1 миллион 200 минг сўмдан, нуфузли халқаро олимпиадалар учун — 12 миллион сўмдан маблағ ажратилади.

«Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган оилаларнинг фарзандлари учун йилда бир мартаба мактаб формаси ҳамда ўқув қуролларини сотиб олиш харажатини давлат ўз зиммасига олади.

Яна бир муҳим янгилик — мусиқа санъатига қизиқиши баланд бўлган ёшларни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб мақом хонандлиги, мақом чолғу ижрочилиги ва бахшичилик йўналишларига янги қабул қилинган талабаларнинг шартнома тўловлари тўлиқ давлат томонидан тўлаб берилади. Фортепиано ижрочилари тайёрлаш бўйича қабул 3 баробар кўпайтирилиб, бу йўналишда ҳам контракт тўловлари тўла қоплаб берилади.

Бундан ташқари, энди техникумларга қабул йилда 2 марта ташкил этилиб, талабалар учун давлат гранти сони 2 баробар оширилади. Шунингдек, техникумлар учун таълим кредити жорий қилинади ва 80 мингдан зиёд ёшларга кредит бериш учун молиявий ресурс ажратилади.

Ҳисоб-китобларга кўра, бугунги кунда 1 нафар ИТ мутахассисини тайёрлаш учун камида 1 йил вақт ва 20 миллион сўмгача маблағ талаб этилади. Ваҳоланки, янши мутахассис 2-3 ойда битта дастур яратиш, ушбу харажатни бемалол қоплаши мумкин.

Бундан буён хусусий таълим муассасаларида ИТ технологиялари бўйича ўқиш (дастурлаш, веб-дизайнер, анимация) истагини билдирган ёшларга ҳам 20 миллион сўмгача миқдорда 4 йиллик имтиёзли кредит тақдим этилади.

Сўнгги вақтларда олис ҳудудлардаги мактаблар ўқувчилари ҳам хорижий тиллар бўйича билим беллашувларида яхши натижа кўрсатмоқда. Бундай ёшларимиз билан ҳар қанча фахрлансак, уларни рағбатлантириб борсак арзийди.

Республика беллашувларида юқори натижаларга эришган ана шундай 70 нафар ўқувчимиз ва уларнинг 14 нафар устози давлат ҳисобидан Буюк Британияга сафарга юборилади.

Қадрли ёшлар!

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшлар билан ишлаш бўйича жорий қилинган янги тизим асосида 8 миллиондан зиёд йигит-қизларимизни қамраб олган «Ёшлар баланси» шакллантирилди. Унга кўра, айни пайтда республикамизда ишсиз йигит-қизлар 1 миллион 200 минг нафарни ташкил этмоқда. Шулардан 850 минг нафари ишлаш истагида бўлган ёшлар ҳисобланади.

Энг муҳими, ёшларнинг қизиқишлари, касб-хунарга мойиллиги, маълумоти, ижтимоий аҳволи ва муаммоларидан тўлароқ хабардор бўлиш имконини берадиган тизим яратилди.

Жорий йилда 404 минг йигит-қиз ўрта таълимни, 151 минг нафари профессионал таълим муассасасини битириб, меҳнат бозорига кириб келади. Уларнинг бандлигини таъминлаш энг долзарб вазифа ҳисобланади. Жумладан, бир йил давомида тадбиркорлик дастурларига 4 триллион сўм йўналтириш орқали 220 минг нафар ёшларнинг бандлиги таъминланади. 130 минг нафар ёшларга касб-хунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқиши учун 160 миллиард сўм субсидия ажратилади. 110 мингдан зиёд ўғил-қизларимиз эса, давлат корхоналари ва хусусий сектордаги бўш иш ўринларига жойлаштирилади.

Шунингдек, ёшларнинг тадбиркорлик лойиҳаларига 250 миллиард сўм субсидия ва компенсациялар берилади. Айни пайтда уларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги фаолиятини ҳам тизимли равишда рағбатлантириб бораемиз. Масалан, Олтириқ узумчилик кластери намунаси асосида республикамиздаги

70 та туманда «Ёшлар агрокластери»ни ташкил этиб, 400 минг нафар ёшларни иш билан таъминлаймиз.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ёшлар билан учрашиб, ушбу режаларни ўз ҳудудлари бўйича батафсил муҳокама қилди. Энди ҳар йили ўқув йили якунланиши билан, ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича ҳар бир ҳудуд алоҳида дастур қабул қилади.

Азиз фарзандларим!

Албатта, ҳозирги ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш осон эмас. Бу борда маҳаллалардаги 6 миллиондан зиёд ўғил-қизларимиз, айниқса, уюшмаган ёшларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш бўйича Беш ташаббус олимпиадаси йўлга қўйилди. Бугунги тадбирда ушбу олимпиада ғолиблари бўлган 345 нафар йигит-қизларимиз ҳам қатнашмоқдалар.

Агар сизлар қўллаб-қувватласангиз, энди Беш ташаббус олимпиадаси ҳар йили 2 марта ўтказиб борилади.

Яна бир муҳим масала — бугунги ёшлар ўзига керакли маълумотларни аввало интернетдан олмақда. Шундай экан, интернетнинг миллий сегментида ёшларни ўзига жалб қиладиган, тарихимиз, маданиятимиз, қадриятларимиз ҳақида ишонарли ва қизиқарли маълумот берадиган контентлар етарлими?

Афсуски, бу саволга ижобий жавоб беролмаймиз. Ҳали бу борда олдимизда жуда катта вазифалар турганини барчангиз яхши ҳис қиласиз, албатта.

Мен ҳозиргина учрашган Меҳриноз Аббосова бошчилигидаги бир гуруҳ ташаббускор ёшлар томонидан дунёнинг энг оммабоп электрон энциклопедияси — Википедияга 10 мингдан ортиқ ўзбек тилидаги мақолалар жойланганини эшитиб хурсанд бўлдим.

Фурсатдан фойдаланиб, ана шу фидойи ва ватанпарвар ўғил-қизларимизга ўз миннатдорлигини билдирмоқчиман. Бундай эзгу ва хайрли лойиҳаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз зарур.

АЗМУ ШИЖОАТЛИ ЁШЛАРИМИЗ — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРЛАРИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

(Давоми. Бошланши 1-бетда).

Ана шу тажриба асосида интернет тармоғида Ўзбек миллий контенти ривожлантириш дастури амалга оширилди. Бунда миллий давлатчилигимиз тарихини матнли ва видео контентлар орқали тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Шунингдек, юртимиздан етишиб чиққан 100 нафар буюк аллома ва мутафаккирларнинг интернетдаги маълумотлар базасини яратиш, уларнинг асарларини оммалаштириш чораларини кўрамиз.

Википедияда ўзбек тилидаги мақолалар сонини 100 мингга етказиш ва хорижий тилларда ҳам Ўзбекистон ҳақидаги маълумотларни жойлаштириш яхши самара бериши шубҳасиз. Ушбу мақсадлар учун 10 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Бундай тадбирларга, билимли ва шижоатли волонтер ёшларнинг жалб қилиш ҳамда уларнинг фаолиятини тизимли равишда рағбатлантириб бориш лозим.

Шу ўринда яна бир муҳим масалага тўхталиб ўтмоқчиман.

Сизларнинг орангизда ватанпарварлик, меҳр-оқибат ва инсонийлик борасида кўпчиликка ибрат бўлаётган ёшлар жуда кўп.

Бугун волонтер ёшлар ҳаракати жамиятимизнинг кўп қисми соҳаларида кенг қулоч ёзмоқда. Бундан бунён Ёшлар ишлари агентлиги бу ҳаракатга бош-қош бўлади. Ёшларнинг ташаббуслари асоси-

да ҳар йили Ҳаракатлар дастури ишлаб чиқилади ҳамда волонтерлик фаолияти қўллаб-қувватланади.

Ёшларнинг таълим олишига эътибор қаратиш билан бирга китобхонликни янада кучайтиришимиз зарур. Шу мақсадда маҳаллардаги ёшлар етакчилари ҳар бир кўча кесимида китобхонлик танлови, "Заковат" ва бошқа интеллектуал ўйинларни йўлга қўяди. Бундай танловлар ҳар ҳафта — маҳалла кесимида, ҳар ойда — туман миқёсида ва ҳар чоракда вилоят даражасида ўтказиб борилиши керак. Бу орқали 2 миллионга яқин ёшлар қамраб олинади.

Шу билан бирга, вилоятлар, туман ва шаҳар ҳокимлари ҳар бир мактаб кутубхонасига камидан мингтадан янги бадиий адабиётларни етказиб беради.

Ёшларнинг жисмоний ва маънавий камолотида спортнинг ўрни бекиёс экани барчамизга яхши маълум.

Мана, яқинда Тўдакўлда 327 мингдан зиёд ёшлар иштирок этган шахмат турнирининг финал босқичи бўлиб ўтди. Келгуси йилда Тўдакўлда дунё стандартларига жавоб берадиган халқаро шахмат мактабини қуриб, фойдаланишга топширамиз. Бу ерда жаҳоннинг энг машҳур гроссмейстерлари келиб, болаларимизга шахмат сир-асрорларини ўргатади. Навоий кон-металлургия комбинати раҳбари, сенаторимиз Кувондиқ Санакўлов ушбу

мактабнинг ўз вақтида қурилиши ва самарали фаолият юритишига масъул бўлади.

Шунингдек, республикамиз бўйича маҳалларар кесимида 631 минг ўғил-қизлар қатнашган волейбол, 671 минг йигитлар иштирок этган футбол ва мини-футбол баҳслари ҳам юқори даражада ташкил қилинди. Ушбу мусобақалар ёшларнинг спортга қизиқиши жуда юқори эканини кўрсатди.

Биз мамлакатимизда спортни янада оммалаштириш, хусусан, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғуланишга кенг жалб этиш ҳақида кўп гапирамиз, қанчадан-қанча ишларни амалга оширганмиз. Бироқ савол туғилади: шунга яраша биз кутган натижалар бўляптими? Соҳада қандай камчиликларга йўл қўйилмоқда?

Ўйламанки, бу масалага танқидий ёндашиш, зарур чора-тадбирларни амалга ошириш вақти-соати келди.

Жорий йилдан бошлаб 36 та спорт федерацияси, 274 та спорт мактаби ўз ҳудудидидаги маҳаллалар, ўрта мактаблар, коллеж ва техникумлар билан ҳамкорликда ишлайди. Ҳар бир кўча, маҳалла, мактаб, коллеж ва техникумда футбол, баскетбол, волейбол, стол тенниси, велоспорт, югуриш, шахмат-шашка ва бошқа спорт турлари бўйича жамоалар тузилади.

Бундан бунён барча спорт мусобақалари "маҳалла — туман —

вилоят — республика" занжири асосида ташкил этилади.

Албатта, бундай ишларни амалга ошириш маҳалладаги ёшлар етакчиларидан катта масъулият ва ташаббускорлик талаб этади.

Ислохотларимиз навқирон авлод ҳаётига янада чуқур кириб бориши учун ёшлар етакчиларига кенгроқ имконият ва ваколатлар берсак, ўйламанки, сизлар ҳам бунини қўллаб-қувватлайсиз.

Бундан бунён ҳар йили олий-гоҳларнинг сиртки бўлимига ўқишга қабул қилинган 500 нафар энг фаол ёшлар етакчиларининг контракт тўловлари Ёшлар ишлари агентлиги томонидан тўлаб берилади. Шунингдек, "Ёш раҳбар кадрлар захираси" шакллантирилиб, унинг 30 фоизи ёшлар етакчилари ҳисобидан тўлдирилади.

Мен ёшлар етакчиларни тинимсиз рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш вақти-соати келди, вазирларни, йирик банк ва компаниялар, давлат ва нодавлат ташкилотлар, сиёсий партиялар лидерларини кўраман.

Қадрли фарзандларим! Биз "Бетакор юртимизда барқарор жамиятни ва бардавом тараққиётни таъминлаш — барчамизнинг бош мақсадимиздир" шиори остида ислохотларимизнинг янги даврини бошламоқдамиз.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ёшлар билан ишлаш, уларнинг қонуний манфа-

атларини ҳимоя қилиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ислохотларимизнинг бош мезонларидан бири сифатида белгилади.

Шу кунларда Конституциямизни умумхалқ муҳокамасида кўриб чиқиш, уни такомиллаштириш бўйича жуда муҳим сиёсий ислотлар амалга оширилмоқда. Бу борада келиб тушган тақлиф ва ташаббусларнинг 70 фоиздан ортиги айнан ёшларимиз томонидан билдирилгани мени жуда қувонтирди.

Албатта, янгиланаётган Конституция, бу — сизларнинг Конституциянгиз.

Янгиланаётган Конституция-мизда ҳам ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари устувор аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан сизларга, бутун мамлакатимиз ёшларига мурожаат қилиб айтмоқчиман. Ҳеч қачон унутманг, сизлар инсон ҳар томонлама эркин, озод ва фаровон яшайдиган Янги Ўзбекистон ҳамда Учинчи Ренессанс бунёдкорларисиз.

Ана шундай шарафга муносиб бўлиш йўлидаги интилишларингиз ва ҳаётда ўзингизнинг муносиб ўрнингизни топишингиз учун бундан кейин ҳам бор куч ва имкониятларни тўлиқ сафарбар эта-

Мен Президент сифатида сизлар ўз олдингизга қўйган режа ва марраларга эришингиз учун барча шартларни яратиб беришга тайёр экан-

нимни бугун яна бир бор таъкидламоқчиман.

Бугун сизларнинг ёниб турган кўзларингиз, шодликка тўла гўзал чеҳрангизга қараб, академик шоиримиз Фафур Фуломнинг *Сиз ахир осмонни олмоқ бўлсангиз,*

Не учун елкамни тутиб бер-майин?

— деган оташин сатрлари ёдимга тушмоқда.

Мен сиз, азиз фарзандларимдан бир нарсани сўрайман: тинимсиз ўқиб, изланиб, замонавий билимларни эгаллашдан, кўнглингиздаги эзгу мақсадлар сари ҳаракат қилишдан ҳеч қачон тўхтаман!

Қорақалпоғистондан Андижонгача, Сурхондарёдан Тошкентгача — барча ҳудудлардаги ёшларимиз Янги Ўзбекистонни бар-по этишдек буюк мақсадимиз йўлида бир тану бир жон бўлиб, дадил олға интилишлари керак.

Мен сизларнинг бу йўлда мар-рани баланд олиб, ягона куч бўлиб ҳаракат қилишингизга ишонаман.

Сизлар бунга албатта қодир-сиз.

Мен сизларга ишонаман ва сизлар билан фахрланаман, азиз болаларим!

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизни бугунги унутилмас байрамнингиз билан яна бир бор табриклайман.

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, туганмас куч-ғайрат, улкан ютук ва зафарлар тилайман.

ХАЛҚИМИЗНИНГ ОЛТИН ФОНДИ

— Бугунги ёшларимизнинг билими, ҳаракатлари мени чеक्सиз қувватлади. Аслида шундай бўлиши ҳам керак. Чунки танангизда буюк болаларнинг қони оқяпти. Тарихимиз ўттиз бир йиллик эмас, уч минг йиллик. Аждодларимиз иккита Ренессансга асос солган. Энди биз учинчи Ренессанс пойдеворини қурмоқчимиз. Кимга ишониб? Сизларга ишониб. Энг катта заминимиз таълим, — деди Шавкат Мирзиёев.

Боғда Беш ташаббус олимпиадаси натижалари ҳам намойиш этилди. Маълумки, ушбу мусобақалар Ўзбекистон Президенти қарорига мувофиқ йўлга қўйилди. Унинг маҳалла, сектор, туман, шаҳар, вилоят ва республика босқичларида 6 миллиондан зиёд ўғил-қизлар қатнашди.

Қорақалпоғистон Республикасининг Бўзтов туманида бўлиб ўтган "Ёшлар овози" танлови санъат йўналишидаги иштирокчиларнинг кашф этди. Президентимиз ушбу танлов гўлдари билан суҳбатлашиб, уларга муваффақият тилади.

Амфитеатр майдонида бўлиб ўтган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари тантанали маросимдаги нутқда барча йигит-қизларни Ёшлар кунини билан табрикларкан, уларнинг қўлга киритаётган ютуқларини эътибор этди. Янада юксак марраларга эришишига ишонч билдирди.

Бугунги кунда давлатимиз раҳбарининг "Янги Ўзбекистонни, албатта, ёшлар билан бирга қурамиз", деган улуғвор ғояси ҳар бир соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг асосига айланади.

Юртимизда қайси жабҳада ўзгариш бўлмасин, аввало, ёшларга, навқирон авлоднинг куч-ғайратини, азму шижоатига суяниш керак.

Бугун халқимиз ўз олдида улкан марралар қўйган. Президентимизнинг она Ватанимизда учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ташаббуси онгу қалбимизга сингиб, барчамизни олдинга интилишга, юксак мақсадларга руҳлантирмоқда.

Мамлакатимизда ёшлар таълим-тарбияси, ҳуқуқ ва манфаатларига устувор аҳамият қаратилмоқда. Бу борада алоҳида давлат ташкилоти — Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этилди. Бундан ташқари, Ёшлар иттифоқи, унинг ҳузурда ўттиздан ортик нодавлат ташкилотлар фаолият юритмоқда. Барча шаҳар ва туманларда "Yoshlar — kelajakimiz", Давлат дастури, турли соҳаларни қамраб олган "Беш муҳим ташаббус" амалга оширилмоқда.

Бўлғуси Ренессансининг энг муҳим бўйинлари сифатида ёшларнинг камолот даргоҳлари — оила, мактабга таълим, мактаб ва олий

таълим ҳамда илмий-маданий муассасаларда соғлом муҳит қарор топтирилмоқда.

Янги барпо этилаётган таълим даргоҳлари, спорт иншоотлари, замонавий кутубхоналар, маданият саройлари нафақат юртимиз чиройига чирой қўшмоқда, балки йигит-қизларнинг баркамол ўсиб-ўлғайиши учун кенг имконият яратмоқда. Навқирон авлодга эртанги кунга ишонч, орзу-мақсадлари рўёби йўлида интилиш, қатъият баҳш этаётир.

Янги Ўзбекистоннинг янги мактаблари — Президент, иқод ва иқтисослаштирилган мактаблар қўла-ми кенгайиб, уларда таҳсил олаётган ўқувчилар юқори натижаларга эришмоқда. Ўтган ўқув йилида Президент мактабларини битирган ўғил-қизларнинг барчаси олий таълим муассасаларига қабул қилинди. Уларнинг аксарияти хорижда етакчи олий таълим муассасаларида ўқимокда.

Мамлакатимизда ёшлар билан ишлаш бўйича мулақо янги тизим яратилди. Маҳаллаларда 9,5 минг нафар ёшлар етакчиси ўз фаолиятини бошлади. Улар ҳар бир хона-

қаратилган қатор лойиҳалар ҳаётга таъбиқ этилмоқда. Уларга имтиёзли кредитлар ажратилган. Сўнгги икки йилда 174 минг нафар йигит-қизлар тадбиркорлик лойиҳалари учун 4 триллион 400 миллиард сўм имтиёзли кредитлар йўналтирилди.

Шунингдек, ёшларни ишга олган тадбиркорларга иқтисодий солиқ суммасини қайтариш тартиби жорий этилди. Бу имкониятдан 715 минг нафар ёш ишлаётган 7,5 минг корхона фойдаланди.

Президентимиз нуфузли халқаро танловларда муносиб қатнашиб, ўз истеъдоди, салоҳияти билан дунёда мамлакатимиз шон-шухратини юксалтираётган йигит-қизларини алоҳида эътибор этди.

Ҳақиқатан ҳам, иқтидорли ёшларимиз кейинги бир йили иккида халқаро фан олимпиадаларида 255 та медални қўлга киритди. Шу билан бирга, жорий йилда 382 нафар ёш спортчи нуфузли халқаро мусобақаларда 419 та совринли ўринни эгаллади. Жумладан, Нодирбек Абдусатторов ва Умида Омонова тезкор шахмат бўйича, Зухриддин Қодиров қилинбозлик бўйича жаҳон

раётган, минглаб йигит-қизларнинг энг муҳим масалаларини ҳал этиб, ҳаётини мазмунан бойитган "ёшлар дафтери" тизими янада кенгайтирилди. Яъни бундан бунён 14 — 17 ёш оралиғидаги 3 миллион нафарга яқин ўғил-қизларга ҳам "ёшлар дафтери"да қўзда тутилган имтиёз ва енгилликлардан фойдаланиш имконияти яратилди. Хусусан, унда назарда тутилган имтиёзлар амалдаги 11 тандан 25 тага қўлайтирилди.

Ушбу дафтарга киритилган ўғил-қизларга замонавий касблар, ахборот технологиялари ва хорижий тилларни ўрганиши учун ҳар бирига ойига 1 миллион 200 минг сўмдан субсидия берилди.

Шунингдек, ёшларга илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги тўғарақлар учун 6 ой давомидида 300 минг сўмдан пул тўланади. Уларга ушбу йўналишлар бўйича маҳаллий олимпиадаларда қатнашиш харажатлари учун 1 миллион 200 минг сўмдан, нуфузли халқаро олимпиадалар учун 12 миллион сўмдан маблағ ажратилди.

"Темир дафтар", "аёллар дафтери" ва "ёшлар дафтери"га киритилган оилаларнинг фарзандлари учун йилда бир мартада мактаб формаси ҳамда ўқув қуролларини сотиб олиш харажатини давлат ўз зиммасига олади.

Эртаимиз эгаларининг билим олиб, етук муҳассис бўлиб ўлгайишлари йўлида янги ўқулар очилди. Жумладан, мусика санъатига қизиқиши баланд бўлган ёшларини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб маҳорат хонадалиги, маком чолғу ижрочилиги ва бахшичилик йўналишлари янги қабул қилинган талабаларнинг шартнома тўловлари тўлиқ давлат томонидан тўлаб берилади. Фортепиано ижрочилари тайёрлаш бўйича қабул 3 баробар кўпайтирилиб, бу йўналишда ҳам контракт тўловлари тўла қўллаб берилади.

Бундан ташқари, энди техникумларга қабул йилда икки марта ташкил этилиб, талабалар учун давлат гранти сони икки баробар оширилади. Шунингдек, техникумлар учун таълим кредити жорий қилинади ва 80 мингдан зиёд ёшларга кредит бериш учун молиявий ресурс ажратилади.

Бундан бунён хусусий таълим муассасаларида ахборот технологиялари, хусусан, дастурлаш, веб-дизайн, анимация бўйича ўқуш истиғини билдирган ёшларга ҳам 20 миллион сўмгача микдорда тўрт йиллик имтиёзли кредит тақдим этилади.

Давлатимиз раҳбари янги имкониятлар, янги ташаббуслар ҳақида сўзлашган, олис ҳудудлардаги мактаблар ўқувчиларини рағбатлантириш бўйича ҳам қатор тақлифларни илгари сурди. Хусусан, хорижий тиллар бўйича республика билимлар беллашувларида юқори натижаларга эришган ўқувчилар ва уларнинг устозлари давлат ҳисобидан Буюк Британияга сафарга юборилишини қайд этди.

Кейинги йилларда олиб борилаётган ёшлар сиёсатининг ўзига хошлиги эндиликда навқирон авлоднинг нафақат турли соҳалардаги илгор вақилларига, балки ҳаётда ўз ўрнини топишга қийналаётган, ишсиз, адашган, имконияти қечланган, кўмакка муҳтож қатламга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганидир.

Президентимиз ишсиз йигит-қизларнинг бандлигини таъминлаш масаласига тўхтади. Уларнинг қизиқишлари, касб-хунарга мойиллиги, маълумоти, иқтисодий аҳоли тизими ўрганиб борилади ва шу асосда зарур чоралар қўрилади. Бундай ёшларнинг касб-хунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқиши учун субсидия ажратилиши таъкидланди.

Ахборот технологиялари мисли қўрилмаган тарзда ривожланган, интернет ва ижтимоий тармоқлар ҳар бир хонадонга кириб борган бугунги кунда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш уларнинг тўғри йўлдан адашиб кетишининг олдини олади, ҳаётга теран нигоҳ, соғлом тафаккур билан боқишга ундайди. Айна мақсадда маҳаллалардаги 6 миллиондан зиёд ўғил-қизлар, айниқса, уюшмаган ёшларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш бўйича Беш ташаббус олимпиадаси йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбари ёшларни фаолликка ундаган, эл-юрт тақдирини дахлдорлигини юксалтирган Беш ташаббус олимпиадасини ҳар йили 2 мартада ўтказишни тақлиф этди.

Интернет сегментини йигит-қизларни ўзига жалб қиладиган, тарихимиз, маданиятимиз, қадриятларимиз ҳақида ишонарли ва қизиқарли маълумот берадиган миллий контентлар билан бойитишга қаратилган лойиҳалар жорий этилиши таъкидланди. Эндиликда интернет тармоғида ўзбек миллий контенти ривожлантириш дастури амалга оширилди. Бунда давлатчилигимиз тарихини матнли ва видео контентлар орқали тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, юртимиздан етишиб чиққан 100 нафар буюк аллома ва мутафаккирнинг интернетдаги маълумотлар базасини яратиш, уларнинг асарларини оммалаштириш, Википедияда ўзбек тилидаги мақолалар сонини 100 мингга етказиш ва хорижий тилларда ҳам Ўзбекистон ҳақидаги маълумотларни жойлаштириш чоралари кўрилади. Ушбу мақсадлар учун 10 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.



Айло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

— Бундай тадбирларга билимли ва шижоатли волонтер ёшларни жалб қилиш ҳамда уларнинг фаолиятини тизимли равишда рағбатлантириб бориш лозим, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ёшларни билим олиш ва китобхонликка рағбатлантириш янада кучайтирилди. Шу мақсадда маҳалла-вилоятдаги ёшлар етакчилари ҳар бир кўча кесимида китобхонлик, "Заковат" ва бошқа интеллектуал ўйинларни йўлга қўяди. Бундай танловлар ҳар ҳафтада маҳалла кесимида, ҳар ойда туман миқёсида ва ҳар чоракда вилоят даражасида ўтказиб борилади. 2 миллионга яқин ёшлар қамраб олинади. Шу билан бирга, вилоятлар, туман ва шаҳар ҳокимлари ҳар бир мактаб кутубхонасига камидан мингтадан янги бадиий адабиётларни етказиб беради.

Мамлакатимизда спортни янада оммалаштириш, хусусан, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғуланишга кенг жалб этишда спорт федерациялари, спорт мактаблари ўз ҳудудидидаги маҳаллалар, ўрта мактаблар, коллеж ва техникумлар билан ҳамкорликда ишлаши қайд қилинди.

Ҳар бир кўча, маҳалла, мактаб, коллеж ва техникумда футбол, баскетбол, волейбол, стол тенниси, велоспорт, югуриш, шахмат-шашка ва бошқа спорт турлари бўйича жамоалар тузилади.

— Албатта, бундай ишларни амалга ошириш маҳалладаги ёшлар етакчиларидан катта масъулият ва ташаббускорлик талаб этади.

Ислохотларимиз навқирон авлод ҳаётига янада чуқур кириб бориши учун ёшлар етакчиларига кенгроқ имконият ва ваколат-

лар берсак, ўйламанки, сизлар ҳам бунини қўллаб-қувватлайсиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Ёшлар етакчиларининг олий таълим олишини, "Ёш раҳбар кадрлар захираси"га киритилишини қўллаб-қувватлаш бўйича истиқболли тақлифлар билдирилди.

Президентимиз "Бетакор юртимизда барқарор жамиятни ва бардавом тараққиётни таъминлаш — барчамизнинг бош мақсадимиздир" шиори остида олиб борилаётган ислохотларнинг янги даврида ёшларнинг фаоллигидан қувонишини таъкидлади.

Жумладан, шу кунларда умумхалқ муҳокамасида бўлиб турган Конституциямизни ислохот этиши бўйича келиб тушган тақлиф ва ташаббусларнинг 70 фоиздан ортиги айнан ёшлар томонидан билдирилган.

Байрам шодийенасини Қорақалпоғистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорига мувофиқ, илм-фан, спорт, санъат, тадбиркорлик ҳамда бошқа соҳаларда юқори натижаларни қўлга киритиб келаётган бир гуруҳ ёшлар "Келажақ бунёдкори" медали ҳамда "Мард ўғлон" давлат мукофоти билан тақдирланган эди.

Давлатимиз раҳбари ушбу мукофотларни тантанали равишда топширди.

Тадбирда "Ёшлар овози" танлови гўлдари ҳамда таниқли эстрада хонандалари иштирокидаги концерт дастури намойиш этилди.

Дилшод ҚАРИМОВ

(«Халқ сўзи»).

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Аввал хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги мамлакатимиз парламенти делегацияси расмий ташриф билан Озарбайжон Республикасида бўлиб турибди. Ушбу ташриф доирасида икки давлат ўртасидаги муносабатлари янада кенгайтиришга йўналтирилган бир қатор учрашувлар ва тadbирлар ўтказилмоқда. Бу эса ўзаро алоқаларимизга янгича суръат бағишлаши билан янада аҳамиятлидир.

□ Ҳамкорлик

Эришилган келишувларни рўёбга чиқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади

Боку шаҳрида Озарбайжон Республикаси Президенти Илхом Алиев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги парламентимиз делегациясини қабул қилди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Озарбайжон ҳамкорлигини икки мамлакат парламентлари орқали ривожлантиришнинг бугунги ҳолати ҳамда истиқболлари муҳокама қилинди.

Озарбайжон Республикаси раҳбарининг яқинда Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташрифи якуни бўйича эришилган келишувларни амалда рўёбга чиқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Парламентлараро алоқалар жадал ривожлантирилади

Ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси Раиси Соҳиба Гафорова билан учрашди.

Учрашувда икки давлат раҳбарлари ўртасидаги ишончли муносабатлар Ўзбекистон ва Озарбайжон халқларининг дўстлик ришталарини мустаҳкамлашнинг асоси ҳамда пойдевори эканлиги, шунингдек, парламентлараро мулоқотнинг янги истиқболларини очиб бериши таъкидланди.

Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги парламентлараро алоқаларининг бугунги ҳолати ҳамда истиқболлари муҳокама қилинган тадбирда, жумладан, икки мамлакат пар-

ламентлари тегишли қўмиталари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муҳимлиги алоҳида қайд этилди. Айни чоғда икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалаларини хал этиш, олий даражада эришилган келишувларни амалга оширишда парламент аъзоларининг роли муҳимлиги ҳам таъкидланди.

Мулоқотда ўзаро манфаатли барча масала юзасидан парламентлараро алоқаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган амалий чора-тадбирларни рўёбга чиқариш бўйича келишувга эришилди.

Тadbиркор аёлларнинг биринчи бизнес форуми

Ташриф доирасида Ўзбекистон ва Озарбайжон тadbиркор аёлларининг биринчи бизнес форуми бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимиз иктисодиётининг деярли барча тармоғи, хусусан, саноат, хизмат кўрсатиш, қишлоқ ҳўжалиги ва хўнарсандчилик каби соҳаларни қамраб олган Ўзбекистон тadbиркор аёллари делегацияси ҳам қатнашди.

Сўзга чиққан ҳар икки мамлакат ишбилармон аёллари турли соҳада тadbиркорлигини кенг ривожлантириш, тажриба алмашиш ва долзарб муаммоларни муҳрама қилиш учун қўлай майдонга айланган ушбу форумнинг аҳамияти ҳамда долзарблигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Эътиборлики, форум якунида Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республи-

лика комиссияси ҳузурдаги Тadbиркор аёллар клуби ҳамда Озарбайжонда аёллар тadbиркорлигини ривожлантириш уюшмаси ўртасида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш бўйича ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

Икки мамлакат тadbиркор аёллари иштирокида “B2B” форматда ўтказилган учрашувлар натижасида қўмиталарнинг анча кўп, яъни 54 миллион доллардан ортиқ миқдордаги 19 та шартнома ва меморандум имзоланди.

Аждодлар хотирасига хурмат кўрсатилди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси бошчилигидаги парламент делегацияси аъзолари Озарбайжон Республикасида расмий ташрифи доирасида Боку шаҳридаги Фахрли инсонлар дафн этилган хийбонга ташриф буюрди.

Бу ерда Озарбайжон халқининг буюк фарзанди, мамлакатнинг умуммиллий етакчиси, икки қардош халқ ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга беқиёс ҳисса қўшган давлат арбоби Ҳайдар Алиев қабрига гул қўйиш маросими бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз парламенти аъзолари, шунингдек, Боку шаҳрида жойлашган Шаҳидлар хийбонидagi Мангу аланга пойига ҳам гулчамбар қўйди.

«Халқ сўзи».

МУҲОКАМАДА — ҲУҚУҚИЙ ЯНГИЛАНИШЛАР

Шу кунларда Олий Мажлис Сенати аъзолари жойларда юртдошларимиз билан учрашиб, конституциявий ислохотларнинг зарурати, аҳамияти ва янгилашнишлар жараёнидаги ўрни хусусида кенг тушунтириш ишлари олиб бораётир.

Сенатор ва ҳаёт

Ана шундай тadbирлардан бири Ўзбекистон Республикаси Марказий банкда бўлиб ўтди.

Тadbирда Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Наримон Умаров сўзга чиқиб, мамлакатимиз Конституциясига киритилаётган ўзгаришлар юзасидан батафсил маълумот берди.

Сенатор пенсиялар, нафақалар,

ижтимоий ёрдам кўрсатишининг бошқа турлари расман белгиланган энг кам истеъмол харажатлари кўрсаткичидан паст бўлиши мумкин эмаслиги Асосий Қонуни-мизда аниқ белгилаб қўйилмаётганига ҳам алоҳида ургу берди.

Яқинда сенатор юртдошларимизни бу жараёнда фаол иштирок этишга чақирди.

Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси аъзолари ҳудудларда, вазирлик ва идораларда Конституциявий қонун лойиҳасини кенг муҳокама қилмоқда.

Хусусан, қўмита раиси Малика Қодирхонова иштирокида Тошкент вилоятининг Қўрай туманида Бош қўмисимизга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳамда қонун лойиҳаси мазмун-моҳиятини кенг тушунтиришга йўналтирилган давра сўхбати ўтказилди.

Унда сенатор Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятини батафсил тушунтириб берди. Ушбу қўмита раиси ўринбосари Маҳмуджон Парпиев Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманида кенг жамоатчилик билан учрашди.

Жиззах вилоятининг Бахмал, Зарбдор, Арнасой, Дўстлик туманларида Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган тарғибот тadbирлари бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Сенати аъзолари Рискўл Сиддиқов, Нусрат Пардаев, Холида Алимова иштирок этган учрашувларда таъкидланганидек, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, кадр-қимматини янада самарали таъминлаш каби мақсадлар мамлакатимиздаги тadbиркорликнинг асослари мустаҳкамлаш, маъмурий, фуқаролик, иқтисодий, жинсий-жавобгарлик ва бошқа йўналишдаги ишларни кўриб чиқишда инсонга нисбатан қўлланмайдиган ҳуқуқий таъсир чоралари — қонуний мақсадга эришиш учун етарли бўлиши ва шахсга имкон қадар енгилли яратиши кераклигига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, “Ўзбекистон — ижтимоий давлат” деган гоа илгари сурилиб, бу йўналишда аҳолини уй-жой билан таъминлаш, оиланинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш, болаларнинг манфаатлари ва тўлқонли ривожланиши учун барча шароитни яратиш, ноғиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш, инсон саломатлиги ва экологияни асрашга оид тақлифлар илгари сурилди.

Конституцияда маҳалланинг макомини ҳамда давлат органларининг бу борадаги вазифаларини аниқ белгилаш учинчи йўналиш сифатида кўрсатиб ўтил-

ди. Шундан келиб чиқиб, маҳалланинг давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмаслиги, жойлардаги маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақил ҳал этиши, бунинг учун давлат органлари уларга қўмак беришига оид тамойиллар янги тахрирда ўз ифодасини топиши зарурлиги қайд этилди.

Тўртинчи йўналиш эса давлат бошқарувидаги тақомиллаштириш, халқ ҳокимиятичилигини кучайтиришга қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу йўналишда устувор масала сифатида давлат ҳокимияти устидан халқ назорати ўрнатилади. Шу боис ҳам мамлакатимиз етакчиси томонидан Бош қўмисимизга давлат органлари фаолиятида очилкич, шаффофлик ва ҳисобдорликни, мазкур органларнинг илҳам ва тежамкор бўлишини таъминлашга доир қондиларни киритиш, Ҳукуматни шакллантириш, унинг самарали фаолият юритишини таъминлаш учун парламент ваколатларини кенгайтириш, Президентнинг айрим ваколатларини Олий Мажлисга ўтказиш, ҳокимларнинг бир вақтнинг ўзига халқ депутатларини Кенгашларига раҳбарлик қилишига оид қондиларни киритиш, Конституцияга қўшимчи тақлифларни киритиш институтини жорий этиш билан боғлиқ яна қаторлар тақлифлар билдирилди.

Умуман, бугун мамлакатимизда кечаётган конституциявий ислохотлар жараёнида Президентдан тортиб, аҳолининг барча қатлами фаол иштирок этмоқда. Шунинг ўзиде Конституциянинг ҳақиқий муаллифи халқ эканини кўрсатади. Зотан, бош мақсадимиз ҳам энг халқлик Конституцияни яратилган иборат. Бу эса биз, парламент ваколатларидан ҳам янада фаолроқ бўлишни талаб этади.

Абдуғани САНГИНОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

«Халқ сўзи».

□ Фикр

БЮДЖЕТНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛИ ОЧИҚ БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси бўлиб, у ҳеч кимга қарам бўлмаддан, эркин ва озод, тинч ва оқойишта, фаровон яшашнинг қонуний кафолати бўлиб келмоқда.

Ўтган даврда Асосий Қонунимиз асосида мамлакатимизда миллий қўнунчилик тизими, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари шаклланди. Аммо бугун мамлакатимизда олиб борилаётган илчил ислохотлар Бош қўмисимизни жамиятдаги бугунги реал воқеликка мослаштиришга тўқзо этмоқда.

Шу боис бугунги кунда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қўнун лойиҳаси аҳоли орасида қўзғин муҳрама қилиниб, қўллаб тақлифлар олиномоқда.

Ҳар жиҳатдан мукамал, юз бераётган янгилашнишларга мос равишда ишлаб чиқилган Конституциявий қўнун лойиҳаси халқлараро давлат барпо этишга, инсон ҳуқуқларининг ҳимояси ва ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга қаратилгани билан эътиборга молик.

Таъкидлаш жоизки, хусусий мулкни ҳар қандай таъвоуз ва тахдидлардан сақлаш, бу борадаги суд амалиётини янада тақомиллаштириш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бу борада қонун лойиҳасида фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқларини, хусусий мулкчиликни, иқтисодий фаолиятнинг эркинлигини ҳимоя қилишга оид нормалар назарда тутилаётгани энг тўғри йўл, деб ҳисоблайман.

Айниқса, давлат қўлай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини, тadbиркорликнинг ривожланиши учун шарт-шароитларни таъминлаш, ҳалол рақобат ҳимоя қилинишини, иқтисодий фаолиятда монополаштиришга йўл қўйилмаслигини кафолатлаш, давлат товарлар, хизматлар, ишчи кучи ва молиявий ресурслар эркин ҳаракатланиши, ички ва ташқи савдо ривожланиши учун барча шарт-шароитларни яратиш билан мустаҳкамланаётгани соҳа тараққиётига қаратилган муҳим қадамдир.

Тadbиркорлар қўнунчиликда таққиланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга, ўз фаолиятининг йўналишларини мустақил танлашга, тadbиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад олишга ҳақли эканлиги белгиланаётгани эса яна бир муҳим янгиликлардан биридир. Бу, ўз навбатида, тadbиркорларнинг эркин ва самарали фаолият юритишига, бизнес муҳитини яхшилашга, аҳолини тadbиркорликка кенг жалб қилиш орқали ёшлар бандлигини таъминлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Ҳозирги шиддатли даврда Давлат бюджети тўғрисидаги маълумотларнинг очиқ ва шаффоф бўлиши гоаят муҳим. Ушбу қўнун лойиҳасида Давлат бюджетини кўриб чиқиш ва қабул қилиш тартиб-таомили жамият учун очкичли, давлат фуқароларнинг бюджет жараёнида фаол иштирок этиши учун зарур чора-тадбирларни кўриши белгиланаётгани айни муқддоир.

Булар ҳали ҳаммаси эмас. Фуқаро ва давлатнинг ўзаро ҳуқуқлар ва ўзаро жавобгарлик билан боғлиқлиги сезиларли даражада кучайтирилиши, қўнуний асосларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиб турган ҳар бир шахс эркин ҳаракатланиши, туриш ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эгаллиги белгилаб қўйилаётгани юртдошларимизда катта қизиқиш уйғотди.

Ҳар ким республика ҳудудидан ташқарига чиқиш, мамлакатимиз фуқаролари Ўзбекистонга монеликсиз қайтиб келиш ҳуқуқига эгаллиги, Ўзбекистон фуқаросини мамлакатдан чиқариб юборишга ёки бошқа давлатга топширишга йўл қўйилмаслиги назарда тутилаётгани фаол иштирок этиш учун зарур чора-тадбирларни кўриши белгиланаётгани айни муқддоир.

Энг муҳими, конституциявий тузатишлар, биринчи навбатда, жамиятнинг турли ижтимоий қатламларига мансуб бўлган фуқароларнинг муайян шахсий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва экологик ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини кафолатли тарзда таъминлашга, ҳимоя қилишга қаратилган тўғридан-тўғри ишлайдиган нормаларга айланади.

— Қўнун лойиҳасида ҳар ким турар-жойининг дахлсизлиги ҳуқуқига эгаллиги, ундан маҳрум этишга фақат суднинг қарорига биноан йўл қўйилиши белгиланмоқда, — дейди депутат Ш. Буранов. — Шунингдек, ҳар ким ўз шахсини эркин ривожлантириш, қўнунда таққиланмаган

ЎЗГАРИШЛАРНИ БОШ ҚОМУСДА АКС ЭТТИРИШ — ЗАМОН ТАҚОЗОСИ

Маълумки, Конституция ҳар бир давлат ва фуқаролик жамиятининг асосий ҳўжжати ҳисобланади. Зеро, унда давлат ва халқ муносабатларининг барча жиҳати муҳасамлаштирилади. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, давлат ва жамият ҳаётидаги янгилашнишларга мос равишда Асосий Қонунни ўзгариштириб бориш ҳам тақозо этилади. Шу маънода, бу эҳтиёжни ижобий ижтимоий ҳодиса сифатида баҳолаш мумкин. Буни яна ҳам соддароқ йўсида Конституциявий ислохотларга эҳтиёж туғилди, демек, жамиятда илчил янгилашнишлар кечмоқда, деб тушунас бўлади.

□ Мушоҳада

Президент Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 20 июнь кунин Конституциявий қўмиссия аъзолари билан учрашувида ҳам ана шу ҳаётий заруратга алоҳида ургу берилди. Ўз навбатида, давлатимиз раҳбари аҳолининг бу борадаги фаолигини, мамлакатимиз келажакда дахлдорлик ҳиссини юксак баҳолаб, конституциявий ислохотлар билан боғлиқ фикрларини билдирди.

Айни чоғда ҳозирги тақликали замонда Ўзбекистонда инсоннинг юксак ўрни ва қадрини, мамлакат учун қандай қадрият ва манфаатлар устувор аҳамиятга эга эканлигини “Конституцияда акс эттириш — давр тақозосидир” дея таъкидлади. Қолаверса, янгилашган Конституция мамлакатимизнинг узок мудатли тараққиёт стратегиялари, умуман, юртимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолат яратди.

Ийгиликлар конституциявий ислохотлар билан боғлиқ тўртта устувор йўналишга эътибор қаратилиб, уларнинг ҳар бири юзасидан тақлифлар айтилди.

Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадриятлари масаласи биринчи йўналиш сифатида кўрсатиб ўтил-

ди. Шундан келиб чиқиб, маҳалланинг давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмаслиги, жойлардаги маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақил ҳал этиши, бунинг учун давлат органлари уларга қўмак беришига оид тамойиллар янги тахрирда ўз ифодасини топиши зарурлиги қайд этилди.

Тўртинчи йўналиш эса давлат бошқарувидаги тақомиллаштириш, халқ ҳокимиятичилигини кучайтиришга қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу йўналишда устувор масала сифатида давлат ҳокимияти устидан халқ назорати ўрнатилади. Шу боис ҳам мамлакатимиз етакчиси томонидан Бош қўмисимизга давлат органлари фаолиятида очилкич, шаффофлик ва ҳисобдорликни, мазкур органларнинг илҳам ва тежамкор бўлишини таъминлашга доир қондиларни киритиш, Ҳукуматни шакллантириш, унинг самарали фаолият юритишини таъминлаш учун парламент ваколатларини кенгайтириш, Президентнинг айрим ваколатларини Олий Мажлисга ўтказиш, ҳокимларнинг бир вақтнинг ўзига халқ депутатларини Кенгашларига раҳбарлик қилишига оид қондиларни киритиш, Конституцияга қўшимчи тақлифларни киритиш институтини жорий этиш билан боғлиқ яна қаторлар тақлифлар билдирилди.

Умуман, бугун мамлакатимизда кечаётган конституциявий ислохотлар жараёнида Президентдан тортиб, аҳолининг барча қатлами фаол иштирок этмоқда. Шунинг ўзиде Конституциянинг ҳақиқий муаллифи халқ эканини кўрсатади. Зотан, бош мақсадимиз ҳам энг халқлик Конституцияни яратилган иборат. Бу эса биз, парламент ваколатларидан ҳам янада фаолроқ бўлишни талаб этади.

Абдуғани САНГИНОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

«ИНСОН — ЖАМИЯТ — ДАВЛАТ» ПРИНЦИПИГА АСОСЛАНГАН ИСЛОХОТЛАР

Хабар берганимиздек, айни кунларда жойларда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қўнун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган тadbирлар бўлиб ўтмоқда. Ушбу жараёнда Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутатлари ҳам фаол иштирок этапти.

□ Депутатлар — ҳудудларда

Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида ўтказилган учрашувда Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутатлари Ваҳобжон Муродқобилов ва Шербек Бўронов иштирок этди.

Тadbирда Конституциявий қўнун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, унга киритилаётган ўзгаришлар ҳақида қатнашчиларга батафсил маълумотлар берилди. Таъкидланганидек, тақлиф қилинаётган ўзгариш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 66 та моддасига 200 дан ортиқ ўзгаришлар киритишни назарда тутди. Бу ўзгаришлар “Инсон — жамият — давлат” принципига асосланган бўлиб, миллий конституциявий ўзликини акс эттирди.

Энг муҳими, конституциявий тузатишлар, биринчи навбатда, жамиятнинг турли ижтимоий қатламларига мансуб бўлган фуқароларнинг муайян шахсий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва экологик ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини кафолатли тарзда таъминлашга, ҳимоя қилишга қаратилган тўғридан-тўғри ишлайдиган нормаларга айланади.

— Қўнун лойиҳасида ҳар ким турар-жойининг дахлсизлиги ҳуқуқига эгаллиги, ундан маҳрум этишга фақат суднинг қарорига биноан йўл қўйилиши белгиланмоқда, — дейди депутат Ш. Буранов. — Шунингдек, ҳар ким ўз шахсини эркин ривожлантириш, қўнунда таққиланмаган

Тadbирда қўнун лойиҳаси билан хотин-қизларни ишга қабул қилишни рад этиш, уларни ҳимладорлиги ёки ёш фарзандлари борлиги билан боғлиқ асосларга қўра ишдан бўшатили таққиланаётгани, болалар меҳнатининг маҳбуруйи ва бошқа энг ёмон шаклларида фойдаланиш қўнунга биноан жавобгарликка сабаб бўлиши қайд этилди.

Очик ва самимий рўхда ўтган мулоқотда иштирокчилар қўнун лойиҳаси юзасидан ўз тақлифларини билдирди.

Депутат Мавжуда Хасанова “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қўнун лойиҳасини муҳокама қилиш учун Сурхондарё вилоятининг Узун туманидаги сайловчилари билан учрашди.

“Янгибод” маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси қатнашган йиғилишда қўнун лойиҳаси хусусида батафсил сўз юритилди, нормаларнинг мазмунини ҳаётий мисоллар билан тушунтирилди. Аҳоли катта қизиқиш билан тинглаб, якунда тақлиф ва мулоҳазаларини билдирди.

“Конституция — инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадриятлари, дахлсизлиги ҳуқуқлари ва манфаатлари кафолати” мазмунини давра сўхбати эса Узун туманининг “Боботот” маҳалла фуқаролар йиғинидаги касб-хўнарсан мақтабда бўлиб ўтди.

Мазкур жараёнда депутат аҳолига Конституциявий қўнун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ҳақида маълумотлар берди. Қайд қилинганидек, киритилаётган ўзгаришлар мазмун-моҳиятига қўра, халқлараро давлат барпо этиш, инсон ҳуқуқларининг ҳимояси ва ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, ёшларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини тўла таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, ўзгаришлар

билан сифатли ва малакали тиббий хизматни ташкил этиш, таъминли ривожлантириш, хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, фуқаролик жамияти институтларининг мақоми ва экологик муҳофаза каби масалалар конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйилди.

Тadbирлар якунида киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар бўйича савол-жавоблар, тақлифлар билдирилди.

Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутати Ойбарчин Абдуллаева Ўзи сайланган ҳудуд — Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманида бўлиб, у ердаги 22-мақтабда учрашув ўтказди.

Конституциявий ислохотлар ва “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қўнун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилишда маҳалла раислари, хотин-қизлар фаоллари, профвактивка инспекторлари, ёшлар етакчилари, Шакарқамиш, Яккатут ҳамда Олмазор маҳаллалари фаоллари иштирок этди.

Унда “Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат” тамойилларини мустаҳкамлаш ҳақида сўз юритилди. Конституцияга киритилаётган ўзгаришлар халқ манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқлари инсон қадрини юксалтириш нуктаи назаридан ишлаб чиқилгани таъкидланди.

Хусусан, меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдори инсоннинг ўзи ва оиласи яшashi учун етарли бўлиши кераклиги, ҳомилдорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатили ва уларнинг иш ҳақини камайитириш таққиланаётгани ҳаётий мисоллар асосида тушунтириб берилди.

Депутатнинг таъкидлашича, бу каби нормаларнинг Бош қўмисимизда мустаҳкамлаб қўйилаётгани барча фуқароларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, фаровонлигига эришиш учун ҳуқуқий асос яратилишга, қамбағалликни камайитиришга, норасмий меҳнат муносабатларини легаллаштиришга хизмат қилади.

Жиззах вилоятининг Форш туманида “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қўнун лойиҳаси юзасидан туман аҳолиси ва фаоллари ўртасида очик мулоқот тарзида учрашув ўтказилди.

Мазкур тadbирда Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутати Зулайхо Акрамова Конституциявий қўнун лойиҳасида кўзда тутилган энги нормалар, Бош қўмисимизга киритилаётган янгиликлар ҳақида маълум

Инсон қадри



БАЙРАМ ШУКУҲИ ҲАР БИР ҚАЛБГА КИРИБ БОРДИ

Мамлакатимизда 30 июнь — Ёшлар куни катта байрам сифатида кенг нишонланди. Тантанали тадбирлар, офтоб тафтидек ҳароратли тилаклар, табриклар ва қутилмаган совғалар... Кувонч ва ҳаяжон, эзгу ниятларга бурканган дил сўзлари...

Байрамнинг ана шундай шукуҳли манзараси Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудудидида — шаҳару қишлоқларда, таълим масканларида, маҳаллаларда, ҳар бир хонадонда, ҳар бир қалбда намоён бўлди.

Айниқса, Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказида оғир дард билан курашаётган болаларга Президент совғасининг туҳфа этилиши уларга нафақат байрам кувончини улашди, балки кўтаринки руҳ, эртанги кунга умид ва ишонч бахш этди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари шу йилнинг 17 июни куни ушбу марказга ташриф буюриб, шифохонада яратилган шароитларни кўздан кечирди, бемор болалар ва уларнинг ота-оналари билан дилдан суҳбатлашиб, кўнглини кўтарди.

Президентимиз суҳбат чоғида "Биз давлат бўлиб, ақлимизни, кучимизни ишга солиб, бу касалликларни енгишимиз керак. Ота-оналарга кўмак бериб, болаларнинг дардига малҳам бўлиб, уларни соғайтиришимиз зарур", деди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу ташрифи юракларни нурга тўлдириди. Ҳаётга меҳр-муҳаббати ошган, келажакка ёруш ниятлар билан боққан болаларнинг эзгу Президентига мактуб йўллаб, ўз қизиқишлари, орзу-интилишлари ҳақида ёзишди.

Ҳар бир ўғил-қизни меннинг фарзандим деб эъзозлагувчи, уларнинг бахту иқболи учун ҳар нарсасига тайёр давлатимиз раҳбари бу хатларни — дил изорларини эътиборсиз қолдириши мумкинми?! Йўқ, асло! Ҳар бирига жавоб мактуби йўллаб, ўзининг эзгу тилакларини, ишончини билдирди. Меҳр-эътибори ифодаси сифатида эсдалик совғалар юборди.

Шу муносабат билан марказда давлат ва жамоат арбоблари, турли вазирлик ҳамда идоралар вакиллари, спорт, санъат ва маданият намоёндалари ҳам бўлди.

Ҳарбий оркестр садолари кўнглиларга байрам шукуҳини олиб кирди.

Президент маслаҳатчиси Абдужаббор Абдувоҳидов давлатимиз раҳбарининг ана шу қимматли туҳфаларини — жавоб мактублари ҳамда китоблар, спорт анжомлари, мусиқа созлари ва бошқа совға-саломларини ўз эгаларига топширар экан, болаларнинг кўзлари юлдуздек порлади. Кимдир хурсандлигини самимий миннатдорлик сўзлари билан, кимдир ўзи ёзган шеър билан, кимдир шодон ва беғубор кулгилари билан ифодалди.

Тақдирнинг аччиқ синовларидан ғам-



Сирожиiddин ВОҲИДОВ олган суратлар.

гин тортган ота-оналар кўзларида секин ёшлари ҳалқаланди.

— Бу шунчаки совға эмас, — дейди ота-оналардан бири. — У ҳаёт учун курашишга даъват, соғайишга чорлов. Совға олган қизимнинг хурсандлигини кўриб, тўғриси, мен ҳам йўғладим. Бу бир оз ноодатий туюлиши мумкин. Лекин узок вақтдан буён оғир дард билан курашиб, ҳар лаҳзадан, ҳар бир суҳбатдан мўъжиза кутиб яшаётган фарзандимнинг кўзидоғи чаканини, ҳаётга муҳаббатни кўриш — мен учун бахт.

Дарҳақиқат, инсон учун энг катта туҳфа — эътибор. Ҳатто биргина яхши сўз баҳор ёмғири қароқ дашту биёбонларга ҳаёт бахш этганидек меҳрга ташна қалбда умид ва ишонч гуллари ни ундириши, тақдирда мўъжизавий ўзгаришлар ясаши мумкин. Меҳр-муруватнинг қудратини, сеҳрию жозибасини сўз билан ифодалаш қийин.

— Кувончларим чексиз. Ҳаяжонданман, — дейди Дилзода Саидхўжаева. — Президентимизга талаба бўлиш истатгимни баён этганим. Мана, орзуларим рўёбга чиқди. Менга Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дилдан институтига 2023/2024 ўқув йилидан давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинганлигим тўғрисида сертификат беришди. "Наҳот, мен ҳам талаба бўламан?!" деган ўйдан дилим тўқилганиб, ёришиб турибди. Инсон қадри улуғланган юрт фарзанди эканимдан фашрланаман.

Одинахон Абдулхамидова Сирдарё

вилоятининг Ховос туманидаги Ховособод маҳалласида яшайди. Ёши 12 да, бу йил 5-синфни битирди. Тошкентдаги Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказида 3 ёшидан буён даволаниб келади.

Давлатимиз раҳбарига йўллаган мактубида у касалликдан азият чекаётган митти жонларнинг соғлигини тиклаш, уларга намунали тиббий

Бугун тонгда Сирдарё вилояти ҳрқими Ғофуржон Мирзаев бошчилигидаги бир гуруҳ фаоллар Одинахон ула-яётган хонадонга ташриф буюриб, Президентимизнинг жавоб мактуби ва совғасини — компьютерни топширди. Шу билан бирга, унга ўқув қуроллари, чолғу асбоби, рассомлик ашёлари, дарсликлар ва бошқа совғалар ҳам туҳфа этилди.

— Президентимиз қизимга жавоб мактуби йўллаганидан бугун оиламиз билан мамнун бўлдик, — дейди Одинахоннинг онаси Дилдора Абдусаматова. — Қизим 3 ёшида ўткир лимфобласт лейкоз хасталиғи билан касалланиб қолди. Шифокорлар Тошкентдаги Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказига йўланма беришди. Мана, 9 йилдирки, фарзандим ушбу марказда даволаниб келмоқда. Шифохонада беморлар ва уларга қаровчи ота-оналар учун барча шароит мўҳайб қилинган. Утган йили Президентимизнинг эътибори туфайли марказ қиёфаси ва шарт-шароити бутунлай ўзгарди. Замонавий тиббий жиҳоз, илгор технология даволаниш имкониятларини янада кенгайтирди. Бундан нафақат даволанаётган болалар, балки мен сингари оналар, оталар роса хурсандим.

Энг муҳими, Президентимизнинг ушбу марказга ташрифи чоғида ҳар бир бола ва уланинг оналари билан ўтказган мулоқоти, оталарча берган маслаҳати ва кўрсатмаси, "Керак бўлса, энг яхши мутахассисларни хориждан олиб келиб кўрсатамиш ва даволатамиш", дея айтган сўзлари менга ва қизимга янада катта куч, ишонч бағишлади.

— Президентимиз мактубидаги "Ишончим комил, юксак интилиш ва тиришқоқлик билан ўз мақсад-муддಾಲарингга албатта етасан", деган сўзлари менга куч, шижоат ва ғайрат берди, — дейди Одинахон. — Орзуларимга қанот, кўнглимга ҳаловат ва таскин бағишлади. Мактубни ўқир эканман, меннинг меҳрибон, жонқуяр, тақдиримдан хавотир оладиган Президентим борлигидан гурурандим.

Ҳақиқатан ҳам, биргина ширин сўз, меҳр-эътибор бир одамдан бутунлай бошқа — юксак фазилатли, гўзал табиатли янги одамни бунёд қилади. Давлатимиз раҳбарининг мурғак қалбларга эккан эзгулик ниҳоллари барқ уриб яшанашига, кун келиб ширин-шарҳ мевалар беришига, яхшилик қонунлари асосида яшашни ҳаёти аъмолига айлантирган саодатли авлодни улағайтиришига ишончимиз комил. Зотан, шоир айтганидек, муҳаббатдин муҳаббат бўлур пайдо...

Президент мактуби ва совғаларини топшириш тадбирлари бутун мамлакатимиз бўйлаб давом этмоқда.

Дилшод КАРИМОВ, Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

Ўзбекининг улуглари. Жадидлар

XX асрнинг илк чорагида Туркистонда кўплаб сиёсий арбоблар, маданият ва санъат намоёндалари, матбуот ҳамда маориф етакчилари, адабиётшунос олимлар етишиб чиқди. Улар қаторида Шокир Сулаймоннинг ўрни алоҳида.

МИЛЛАТ ЖОНКУЯРИ



У 1916 йили Қўқондаги таълимни тамомлаб, Оренбургдаги "Хусайния" мадрасасига таҳсил олиш учун боради. Бу даргоҳда диний фанлар билан бирга илғимий, аниқ ва табиий фанлардан — физика, кимё, геометрия, тригонометрия, психология, мантиқ, тиббий билим, сиёсий иқтисод, савдо-сотик ва бухгалтериядан таълим берилган. Мадрасида рус, араб, немис, форс, француз тиллари, татар, рус, араб, форс адабиёти, ҳажа ва рус ҳамда татар халқи тарихи ўқитилган.

Шокир Сулаймон мадрасида ўқиш жараёнида кўшни ва Европа мамлакатларидаги таракқиётдан хабардор бўлиб боради. Араб, форс, турк, татар ва рус тилларини ўрганган. Шу тиллардаги газета ва журналлар билан мунтазам танишади. Туркистонга қайтган ҳақиқатчилик ҳаракатининг фаол аъзолари сафига қўшилади, уларнинг ислоҳотчилик фаолиятида катнаша бошлайди. Айниқса, 1917 йил ноябрь-декабрь ойларида Туркистон Мухторияти ҳукумати гоғаларини Фарғона водийси аҳолиси ўрта-сида тарғиб қилиш ишларида ғайрат кўрсатади.

Ўлкадаги миллий ҳукумат бўлими Туркистон Мухторияти совет ҳокимияти томонидан ваҳшийларча бостирилган, Шокир Сулаймон Қўқондаги маърифатпарварлар билан бирга большевикларга қарши тузилган миллий ташкилотларда фаолият олиб боради. "Иттиҳоди толибон", "Миллий иттиҳод" ташкилотларида иштирок этади.

1919 йили "Миллий иттиҳод" ташкилотини йиғилишларида қўқонлик ёшларни келажакда Германияга ўқишга юбориш учун немис тилини ўрганиш бўйича махсус қурлар ташкил этиш, айрим ёшларни эса Бокудаги доирлунунларга юбориш ҳақида қарор қабул қилинган. Шундай қарорларнинг натижаси бўлса керак, Шокир Сулаймоннинг ўзи ҳам илминини давом эттириш учун 1920 йили Тошкентга келиб, Туркияда таълим олган Халид Саид раҳбарлигидаги ўлка Маориф институтида икки йил ўқийди. Шу йилларда маҳаллий зиёлилар ва иқтидорли ёшлар ташаббуси билан 1922 йил 2 майда тузилган "Қўмак" уюшмасига аъзо бўлиб қиради.

Мазкур ташкилот ҳомийлардан тўпналган маблағ ҳисобидан иқтидорли ёшларни хорижда таълим олишга юборар эди. Уюшманинг марказий бошқаруви Тошкент шаҳрида жойлашган бўлиб, Туркистоннинг турли ҳудудларида ташкилотнинг бўлимлари ҳам фаолият олиб борган. Андижон, Наманган, Ўш, Қўқон каби шаҳарларда алоҳида бўлимлар тузилиб, йиғилган хайрия маблағлари "Қўмак"нинг марказий идорасига юборилган. Фарғона

оз мадад бўлур эди. Юртидаги камчиликларни кўриб, юраги ачинатурғон ёшларимизнинг кундан-кун, йилдан-йилга кўпайиши лозимдир". Шокир Сулаймон 1926 йилнинг август ойидан Самарқандда тузилган "Кизил қалам" адабий жамиятининг раиси сифатида фаолият олиб боради. Бу жамиятда Отажон Ҳошим, Боту, Зиё Саид, Сотти Хусайн, Анжабоӣ Худойқулов, Олтой билан бирга ўз даврининг ёш кучлари бўлиши Ҳамид Олимжон, Миртемир Турсунов сингари ёш қаламкашлар ҳам бор эди. Уша йилнинг охиридаги жамиятининг Фарғона ва Наманган вилоятлари бўлимлари ҳам ташкил этилди. Бундай ташкилотлар совет тузумига хайрихоҳ изодкор ёшларни ўз атрофи-га тўплаш ва уларни тарбияла-ва шеърлари билан қатнашди. Масалан, "Туркистон" газетасининг 1923 йил 1 январь сонидида чоп этилган "Оврупода Туркистон ўқувчилари" сарлавҳали мақоласида таълим, илм-фаннинг аҳамияти, хорижда таҳсил олишнинг фойдаси ҳақида сўз юрлатади:

"Сўнги кунларда юртини идора қиларлик сиёсий, илмий, фаний муқаддир кучларимизнинг йўқлиги очик ва қаттиқ сезилди. Замонимиз Туркистондан ўзини ўзи идора қила олтурган усталар талаб қила бошлади. Мана шул ҳолларни кўрган Туркистон ёшлари борлиқ ҳаётиимиз, наҳотимиз маорифда, маориф ҳам Оврупода эканлигини билиб, Оврупо сари оғила бошладилар. Натижада Кафқоз Бокуда 50 лаб, Масков Петербургда 150 лаб, Берлинда 70 лаб, бутун Оврупода борлиғи 270 га яқин Туркистон ўқувчиларни кўради. Бу кўриниш ҳар ҳолда Туркистоннинг келгусини порлок, тарихининг жонлиқ эканлигини билдирадир. Ундай бўлса-да, бир оз умид боглатида. Бирок хайҳотки, бу сонлар бошқаларга қараганда йўқ даражасидадир".

Шу билан бирга, муаллиф мақолада кенг жамоатчиликни замонавий таълим олиш истагида хорижда кетган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга чорлайди: "Четда ўқувчи болаларини йўқлаб тургон бошқа миллатлар каби бизнинг Туркистон зиёлилари, маорифпарварлари ҳам ўзларининг "жиҳди халталари" билан четдаги ўқувчиларини йўқласалар, ёрдам этсалар яхши бўлур эди. Юрти, элидан узок тургон ўқувчилар Туркистондан шунини кутарлар. Шундай бўлса, стипендияси тургон юзлаб ўқувчиларимизга бир

Мухтасар айтганда, Шокир Сулаймон номи ёзувчи, адабиётшунос ва ўқитувчи бўлиши билан бирга, миллат озолидиги ва келажаги учун курашган, Туркистон ўлкасини ривожланган давлатлар даражасига кўтариш, замонавий билим ва касб эгаларини етиштириш йўлида тинмаган жонқуяр шахс ўлароқ тарихда қолади.

Абдували ЙЎЛДОШЕВ, ЎзРФА Тарих институти кичик илмий ходими.

Мамлакатимиз бўйлаб

Қашқадарёда дастлабки ёшлар саноат зонаси

Қарши шаҳридаги "Хонтепа" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида иш бошлаган дастлабки ёшлар саноат зонасида ёш тадбиркорларнинг эркин меҳнат қилиши учун қўлай инфратузилма ва бизнес муҳити яратилган.

Унда 24 та лотга ёш тадбиркорлар томонидан қиймати 27 миллиард сўмни ташкил этувчи 21 лойиҳа жойлаштирилди. Шундан ҳозирги кунда 23 миллиард сўм ҳисобига 18 та тадбиркорлик лойиҳаси ишга туширилиб, 300 дан ортиқ иш ўринлари очилди. Қолган лойиҳалар бўйича ҳам амалий саъй-ҳаракатлар қизгин давом этмоқда.

— Бу дастлабки қадам бўлиб, келгусида вилоятимизда 15 та ёшлар саноат зонаси барпо этилади, — деди Қашқадарё вилояти ҳокими Муроджон Азимов. — Мақсадимиз ҳар бир ёш йиғит-қизнинг ўз бизнеси ва ўзи севган касб-кори бўлишига эришишга қаратилган. Энг аҳамиятлиси, бу жой кичик саноат шаҳарчасига айланади. Харидор нимана харид қилмоқчи бўлса, шу ердан топади. Сотилиш ҳам, экспорт ҳам, савдо ҳам шу ернинг ўзида ташкил этилади. Бу имконият ёш тадбиркорларни турли овораварчилик ҳамда муаммолардан халос этади.

Фахриддин БОЗОРОВ («Халқ сўзи»).

Фарғонада чиқиндиларни ташишда электромоторлардан фойдаланилмоқда

Фарғона вилоятда кўп хонадонли уйлардаги чиқиндиларни олиб кетишда инновацион ечим сифатида тоза, шовқинсиз ишловчи электромоторлардан фойдаланиш йўлга қўйилди. Эътиборли, ушбу техника Богдад туманида фаолият олиб бораётган "Металл лазер" МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилиб, вилоят бўйлаб етказиб берилмоқда.

— Ҳозирда вилоятдаги 3 минг 631 та кўп квартирали уйларга 48 та бошқарув-сервис компанияси хизмат кўрсатмоқда, — дейди Фарғона вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи Авазбек Мадаминов. — Ҳисоб-китобларимизга қараганда, чиқинди ташини машинаси нархи 650 — 700 миллион сўм бўлса, электромоторлар 32 миллион сўм туради. Демак, битта чиқинди ташини машинаси пулига 20 та электромоторлар олиш мум-

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 748. 24 533 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Телефонлар: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

TOshkent shaхrida dўkon va meҳmonхona tomларида умумий овқатланиш шохобчаларининг очилиши муносабати билан PGC ишлаб чиқариш корхонаси кафе ва ресторанлар учун оловга хавфсиз, энергосамарадор ҳамда ишончли экологик тоза мангал ва электр ўчоқларини таклиф қилади. Атроф-муҳит ва саломатликка зиён етказмайдиган, тутунсиз, дудсиз, кўмир ва ўтинсиз овқат тайёрлан.

INNOVATION KANSEROGISIZ EKO QOZON va MANGAL tutunsiz oddiy va foydali Tel.: 71-279-38-54, 71-279-25-23. www.pgs.uz